

**АМАЛДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ХОДИСАЛАРИНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ****<sup>1</sup>Рашидов Шавкатбек Равшанбек ўғли**

ИИБ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси,

**<sup>2</sup>Ўралов Сарвар**

ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574974>

**Annotatsiya:** Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаларига оид сатистик маълумотлар, уларнинг келтириб чиқарган сабаблар унга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишга доир бир неча таклифлар баён этилган.

**Kalit so'zlar:** Юнисеф, Корея тажрибаси, йўл-транспорт ҳодисаси, йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгартиришлар.

Ривожланиб бораётган замонамизда техника-технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда узоғимизни яқин қиладиган, шунингдек, турли мақсадларда инсонлар эҳтиёжи учун хизмат қиладиган транспорт воситаларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Лекин йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллиги ортганлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши ортиб бораётганлиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши оқибатида инсонларнинг турли даражада тан жароҳатларини олиши, шунингдек, олган тан жароҳати туфайли бир умрга ногиронга айланиши ҳаттоки, ҳаётдан кўз юмуши, автомобиль йўлларида тирбандликларнинг юзага келиши тобора ортиб бораётганлиги, транспорт воситалари чиқараётган газлардан атроф-муҳит, табиатнинг ифлосланиши каби соҳада ечим топилиши шарт бўлган муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили қарийб 1,4 миллионга яқин одам йўл транспорт ҳодисалари қурбонига айланади.[1] Мамлакатимизда эса 2021 йилда 10 мингдан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда

9 мингдан ортиқ инсон жароҳатланган, 2 минг 500 га яқин одам ҳалок бўлган, шундан 263 нафар болалар эканлиги жудаям ачинарли ҳолат. [2]

2022 йилнинг 6 оyi давомида 3 минг 559 та йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. 2 минг 775 та инсон турли даражада тан жароҳатлари олган бўлса, 284 нафар инсон бевақт ҳаётдан кўз юмган[3].

Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишини олдини олишда замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланган ҳолда ислоҳотларни амалга ошириб, ушбу долзарб муаммога ечим топишимиз лозим.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 12 апрелда 172-сон [қарор](#) қабул қилинди [4]. Шу қарор билан йўл-ҳаракати қоидаларига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

А.А.Насиллоев фикрича “Бирор бир давлатда қонунлар яратилар экан, ўша давлатнинг фуқаролари, шунингдек, у ерда бўлиб турган бошқа шахслар учун ушбу қонунлар

уларнинг маълум бир ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлаш билан биргаликда уларга бурч ва мажбуриятларни ҳам юклайди”[5].

Дарҳақиқат ушбу қарор билан аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофидаги йўлларда 300 метргача бўлган масофада 30 километрдан, турар-жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 20 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади деб ўзгартирилганлиги йўл ҳаракати иштирокчиларига янада масъулият ва мажбуриятларни юклайди. Шу орқали инсонлар айниқса, болалар ўлими билан боғлиқ транспорт ходисаларини олдини олиш ҳамда турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда фуқаролар хавфсизлигини янада таъминлашдир. Амалда тадбиқ этилаётган ушбу ўзгариш қонунчилигимизга Корея тажрибаси ўрганилиб, кўзланган натижа ва самарани берганлиги учун киритилди.

Шунингдек 2022 йилнинг 13 май куни АОКАда ЮНИСЕФ, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва ИИБ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида “Йўл-транспорт ходисаларида болалар ўлимини сезиларли даражада камайтиришга кўмак берувчи чора-тадбирлар” ҳам маълум қилинди.

Улар :

- йўл ҳаракатининг барча қатнашчилари, жумладан, ўсмирлар ва ёшлар учун қонунлар ижросини таъминлайдиган миллий қонунчилик ва сиёсатни мустаҳкамлаш;
- инфратузилма ва авариядан кейинги хизматлар;
- мактаб ҳудудини яхшилаш дастурлари ва мактаб ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар тизимини ишлаб чиқиш;
- янги ҳайдовчиларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини беришнинг ишончли тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- мактаб ўқувчилари учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича самарали тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлаш[6].

Санаб ўтилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида йўлларда хавфсизлик янада самаралироқ таъминланади, йўл-транспорт ходисаларининг содир этилиши натижасида инсонларнинг айниқса, болаларнинг турли даражадаги тан жароҳати олишлари, бевақт ҳаётдан кўз юмишларини олди олинадди, юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни бартараф этилиши каби мақсадлага эришимиз мумкин. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот орқали йўл-ҳаракатининг барча иштироқчиларига йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъмиглашга доир амалга оширилаётган ислохотларни етказиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни фуқароларимизга таништириш орқали уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, йўл инфратузилмаларини яхшилаш, рақамлаштиришни хорий этиш орқали замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш йўлларда содир этилиши мумкин бўлган

хуқуқбузарликларни олдини олишга, юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишга хизмат қилади.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. “ Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари ва бу соҳада хуқуқбузарликларнинг профилактикаси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. <https://proacademy.uz/uz-cyr/news/view?alias=890>. -Тошкент, 2022 й.
2. Мирзиёев.Ш,М. раислигида “Йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари”. <https://president.uz>.-Тошкент, 2022 й.
3. <https://uza.uz/posts/391537>
4. <https://lex.uz/docs/5953883> -Тошкент , 2022 й (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 28.09.2022)
5. Насиллоев А. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ХОДИМИНИНГ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАСЛИК ХУҚУҚБУЗАРЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 27-33.6. <https://kun.uz/08636921?q=%2Fuz%2F08636921>
6. АОКАда ЮНИСЕФ, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжумани. <https://kun.uz/08636921?q=%2Fuz%2F08636921>.